3 14 ДЕК 1984

# ОЛТИН ТЎЙИНГ МУБОРАК, ЖОНАЖОН РЕСПУБЛИКАМ!




БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

1984 йил 7 ДЕКАБРЬ № 49 (2789) ЖУМА

БИЗ БУГУН УЛУҒ ОКТЯБРЬ ТУФАЙЛИ ДУНЁГА КЕЛГАН СОВЕТ АДАБИЁТИ БОСИБ ЎТГАН ЙЎЛГА ФАХР БИЛАН НАЗАР ТАШЛАЙМИЗ. XX АСРНИНГ РЕВОЛЮЦИОН ЎЗГАРИШЛАРИ БУ АДАБИЁТДА ЎЗИНИНГ ЯҚҚОЛ ИФОДАСИНИ ТОПГАН.

К. У. ЧЕРНЕНКО

## НУРАФШОН ЙЎЛДАН

ЎЛКАМИЗДА КАТТА тўй, шодиёна. Жонажон республикамизнинг шонли 60 йиллик юбилейини нишонламоқдамиз. Барча область ва районларда, шаҳар ва қишлоқларда ана шу тантана, шоду хуррамлик садолари янграмоқда. Зотан, бу юбилей, бу шодиёна тантана қилса, байрам қилса қилгудек шонли санадир. Республикамизнинг олтмиш йил давомида босиб ўтган йўли ғоят салмоқли, самарали. Бу давр ҳар бир йилининг мазмуни асрларга татигуликдир. Бундан олтмиш йил аввал омоч билан ер ҳайдалган ўлкамизда эндиликда турли қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқарилмоқда. Бугун урчуқлар ўрнида қудратли тўқимачилик машиналари ишлаб турибди. Демократ шоирларимиздан бири аробадан безор бўлиб шеър ёзган эди. Энди ана шу ўлкада товушдан тез учар самолётлар ишлаб чиқарилмоқда. Болохонали уйга ҳавас қилган юртда бугун осмонўпар бинолар қад ростлаган. Қиш кунлари сандал атрофига ўтириб кўсак чувиган халқимиз энди машиналар ёрдамида ҳар йили беш миллион тоннадан ошириб пахта териб олмоқда...

Саноат, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари бўйича эришган ютуқларимиз олам кўз ўнгида! Улар доҳий В. И. Ленин асос солган социалистик жамият афзалликларини, социализм шарофатини ёрқин кўрсатувчи кўзгудир. Совет Ўзбекистонининг олтмиш йиллик тарихи бутун Шарқ учун ибрат, намуна. Зотан, республикамиз тарихан қисқа даврда Шарқда фан ва маданият тараққий қилган машъал ўлкага айланди. Республикамиздаги юзлаб олий ва ўрта махсус ўқув юртларида меҳнаткашларнинг минглаб фарзандлари таҳсил олмоқдалар. Республикамиз Фанлар академиясининг ўнлаб илмий тадқиқот институтларида академиклар, фан докторлари ва кандидатлари фан сирларини кашф этмоқдалар. Олимларимизнинг кашфиётлари мамлакатимиз, жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан тан олиниб, юксак баҳоланмоқда. Яқиндагина физик олим Темурбек Усмоновга СССР Давлат мукофоти берилиши ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Республикамиз адабиёти ва санъати олтмиш йил давомида катта ютуқларни қўлга киритди. Социализм учун курашда адабиёт ва санъат вакиллари халқ оммаси билан елкама-елка, ёнма-ён туриб хизмат қилди, бу курашнинг олдинги сафларида бўлди. Улуғ инқилобнинг биринчи кунлариданоқ Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий «Яша, Шўро!» деб чиқди, «Ишчилар уйғон!», деб жар солди, Садриддин Айний байналминални улуғлади. Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Абдулла Қодирий, Ғайратий, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Собир Абдулла, Миртемир социалистик тузум афзалликларини баралла куйладилар, инқилоб ва янги жамият душманларини фош этдилар. Улар анъаналарини кейинги бир неча авлод санъаткорлари изчил давом эттирмоқдалар. Ер ислоҳоти, хотин-қизлар озодлиги, биринчи беш йилликлар, коллективлаштириш даврида адабиёт жанговар сафда турди. Улуғ Ватан уруши йилларида эса халқ қалбида ғалабага ишонч руҳини мустаҳкамлади, матонатга, турли миллат фарзандларини жипслашишга чорлади. Урушдан кейинги тинч қурилиш йилларида адабиёт яна кўтаринки руҳ касб этди. Уруш вайроналарини тиклашда халқ билан ҳамқадам бўлди.

Олтмиш йиллик тараққиёт ҳақида гапирганда санъатимиз ривожини эсламай бўлмайди. Халқимизнинг бой мусиқий мероси бор. Коммунистик партия ва Совет давлатининг раҳнамолигида бошқа халқлар қатори бизнинг ҳам бой моддий ва маънавий меросимиз тикланди, келгуси авлодларга етказиш тадбирлари кўрилди. Халқимизнинг қадимда ўтган олим ва шоирларининг асарлари тўплаб, тартибга келтирилиб қайта нашр этилди. Шунингдек, мусиқа меросимиз ҳам тўпланди, граммпластинкаларга кўчирилди, ноталарга туширилди. Шу билан бирга, санъатнинг, жумладан музика маданиятининг янги-янги жанрлари кириб келди. Бугун ўзбек композиторлари яратган опера, балет, симфоник, хор асарлари кўпмиллатли совет музика маданияти хазинасидан фахрли жой олган. Ўзбек композиторларининг асарлари фақат республикамизда эмас, қардошлар диёрида, қатор чет эл мамлакатларида ижро этилмоқда. Театр, рақс, тасвир, ашула санъатимиз хусусида ҳам ифтихор билан сўзлаш мумкин. Инқилоб меваси бўлмиш ўзбек киноси шонли йўлни босиб ўтди. Кино санъатимиз оқсоқолларидан бири Комил Ёрматов Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлган эди. Улуғ Октябрнинг 67 йиллиги арафасида «Даҳонинг ёшлиги» бадиий фильмининг бир гуруҳ ижодкорлари эса СССР Давлат мукофоти билан тақдирландилар. Бундай юксак мукофот билан истеъдодли рассом Баҳодир Жалолов ҳам тақдирланганлиги ўзбек тасвирий санъатининг камолотидан далолатдир.

Республикамиз юбилейи арафасида яна бир хушхабарнинг гувоҳи бўлдик. Бир гуруҳ совет ёзувчилари қатори атоқли шоиримиз Зулфияга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган олий унвон берилди. Бу билан адибларимиздан икки киши «Ўроқ ва Болға» олтин медалига сазовор бўлди. Бир қатор ёзувчи ва шоирларимиз эса Ватаннинг орден ҳамда медаллари билан тақдирланди.

Буларнинг ҳаммаси Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳнамолигида қардош халқлар оиласида республикамиз маданияти тараққий этиб бораётганини кўрсатади. Адабиёт ва санъатга партия ва ҳукуматимиз доимо катта эътибор бераётганини, санъаткорлар меҳнати муносиб баҳоланаётганини намойиш қилади. Бундай ғамхўрликка жавобан адибларимиз, санъаткорларимиз янада ғайрат билан ишлашлари лозим. КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XVII пленумларининг қарорлари республикамиз ижодкорлари учун ҳам дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Зотан, ўртоқ К. У. Черненко таъкидлаганидек, «Санъаткорнинг ижодий изланишлари, таъбир жоиз бўлса, ягона бошланиш нуқтасига эга бўлиши — ҳаёт ҳақиқатига, социалистик идеалларга содиқ бўлиши муҳимдир. Бу—санъат партиявийлиги, халқчиллигининг зарур шартидир». Бу вазифаларни бажариш барча совет ижодкорлари қатори республикамиз ижод аҳлининг ҳам муҳим вазифасидир.

Бугун ўлкамизда катта тўй бошланди. Бу шодиёнани биз билан бирга қардошларимиз ҳам байрам қиладилар. Зеро, қардошлар оиласида камол топаётган ўзбек халқининг байрами —бутун совет халқининг ҳам байрамидир.

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ

## ЯША ШЎРО!

Бузма кўнглинг боқ бу
Шўро,
Берди мангу интибоҳ.
Томчи ҳар қонингга олдинг
Илму урфон, эрку жоҳ.

Яша Шўро, Яша Шўро!
Сен яшайдиган замон.
Ишчи ўғли, шуҳратингдан
Балқисин рўйи жаҳон!

Чор ҳукумат вақтидаги
Қуллигингни ўйласанг,
Шодлиғинг мангу туганмас
Қанча ўйнаб куйласанг.

Яша Шўро, Яша Шўро!
Сен яшайдиган замон,
Ишчи ўғли, шуҳратингдан
Балқисин рўйи жаҳон!

Ишла, ишлов вақти келди,
Ётма, ғофил бандалар!
Битсин энди эски турмуш,
Ул кулоҳу жандалар!

Яша Шўро, Яша Шўро!
Сен яшайдиган замон.
Ишчи ўғли, шуҳратингдан
Балқисин рўйи жаҳон!

Эски турмуш боғларин қўй,
Қарға, зоғлар қишласин!
Янги турмуш боғларинда
Ёш кўнгиллар яшнасин!

Яша Шўро, яша Шўро!
Сен яшайдиган замон,
Ишчи ўғли, шуҳратингдан
Балқисин рўйи жаҳон!

Сен бу кўргу орқасинда,
Келди, ол кутганларинг.
Борса борсин, қабр тошин
Тангри, деб
тутганларинг!

Яша Шўро, яша Шўро!
Сен яшайдиган замон.
Ишчи ўғли, шуҳратингдан
Балқисин рўйи жаҳон!

1918 йил

ПАРТИЯМИЗ БАДИИЙ ИЖОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАҚИДА ҲАМИША ОТАЛАРЧА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИБ КЕЛАЁТГАНЛИГИ ЯХШИ МАЪЛУМ ВА УЗ НАВБАТИДА ИЖОДКОР ЗИЁЛИЛАР ҲАМ ЮКСАК КОММУНИСТИК ИДЕАЛЛАРГА САДОҚАТ БИЛАН ЖАВОБ БЕРМОҚДАЛАР.

И. Б. УСМОНХЎЖАЕВ

## ЁРҚИН КУНЛАР, УЛКАН РЕЖАЛАР

Республикамиз ўз шонли байрамига ғоятда қизғин тайёргарлик кўраётган, халқимиз шу байрамнинг қутлуғ нафаси билан яшаб, зарбдор меҳнат қилаётган ушбу дамларда Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг навбатдаги секретариати бўлиб ўтди. Йиғилишда ўз ижодий меҳнати билан халқ ва партия этиборини қозонган атоқли адиблар — халқ ёзувчилари қатнашдилар.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Сарвар Азимов мажлисни очиб, юбилей йилида халқимиз эришган улкан ютуқлар, совет адибининг коммунизм қуришдаги юксак ўрни, партиямиз томонидан санъаткорлар олдига қўйилган буюк вазифалар хусусида сўзлади. Партиямизнинг совет адибларига кўрсатаётган тинимсиз ғамхўрликларини биз ҳаммамиз юрак-юракдан ҳис қилиб турибмиз. Хассос санъаткор Зулфияни, таниқли адибларимизни — партия ва ҳукуматимизнинг юксак мукофотлари билан қутлаймиз. — деди у. — Биз гувоҳ бўлиб турган воқеалар давримиз саҳифаларига олтин сўзлар билан битилажакдир! Зотан, уларда халқимизнинг улуғ йўли, курашлар ва зафарлар билан тўлиқ улуғ тарихи акс этади.

Шундан сўнг секретариат юбилей йили якунлари ҳамда кириб келаётган янги йилда амалга ошириладиган иш режаларини муҳокама қилди.

СССР Ёзувчилар союзининг юбилей пленумида ўртоқ К. У. Черненко совет адабиётининг ёш вакиллари ижодига катта ишонч билдириб, шундай деган эди: «Партиямиз билан давлатимиз шундай шароитларни яратишмоқдаки, бундай шароитлар истеъдоднинг тўла даражада намоён бўлишига, халқ манфаатлари йўлида ижод қилишига ёрдам беради». Бу мазмундор сўзлар тўла маънода ёшлар ижодига ҳам тегишлидир.

Ана шу муҳим масалани назарда тутиб секретариатда «СССР Ёзувчилар союзи ва Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи юбилей пленумларининг натижалари ҳамда республика ёш ёзувчиларининг келгусидаги вазифалари» деган мавзуда пленум ўтказиш ва унга тайёргарлик ишлари муҳокама қилинди. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениеси секретари Ўктам Усмонов секретариат аъзоларини пленум кун тартиби лойиҳаси билан таништирди. Мажлисда фашизм устидан қозонилган буюк Ғалабанинг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун қилинаётган ва амалга оширилиши кўзда тутилган тадбирлар алоҳида кўриб чиқилди. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Саъдулла Кароматов ҳозирги куннинг актуал вазифаси — атеистик пропагандани адабий воситалар орқали янада кучайтириш масалаларига тўхталди. Мажлисда ёзувчилар союзининг келгуси йил фаолияти плани муҳокама қилинди. Комил Яшин, Асқад Мухтор, Иброҳим Раҳим, Ҳамид Ғулом, Ойдин Ҳожиева Ўзбекистон ССР халқ шоири, СССР Давлат мукофоти лауреати Зулфияни Ватанимиз олий мукофоти — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлганлиги билан барча адиблар номидан қизғин қутладилар.

Секретариат мажлиси кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

## ТЎЁНА АСАР

Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишлаб саҳналаштирилган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, драматург Комил Яшиннинг «Йўлчи юлдуз» асари премьераси бўлиб ўтди. Тарихий-инқилобий мавзудаги мазкур асар театрда қайта саҳнага олиб чиқилди.

Режиссёр Рустам Ҳамидов талқинидаги бу спектаклда СССР халқ артистлари Зикир Муҳаммаджонов В. И. Ленин ролини, Наби Раҳимов эса Ф. Э. Дзержинский ролини ижро этмоқдалар. Тўёна спектаклга қарийб театрнинг барча ижодкорлари жалб этилди.

Саҳна безакларини рассом Убайдулла Сайдалиев ишлади.



Суратда: шу спектаклдан бир кўриниш.



Ўзбекистон ССРнинг эълон қилиниши.

Зуҳра РАҲИМБОБОЕВА,
Ўзбекистон ССР Маданият министри

## МАДАНИЯТИМИЗ РАВНАҚИ

Советлар ўлкасининг Шарқда машъал республикаларидан бири — Ўзбекистон ўзининг шонли 60 йиллик тўйини нишонлаяпти. Бундай улуғ айём кунлари босиб ўтилган йўлга, амалга оширилган улкан ишларга яна бир бор назар солгиси келади киши.

Олтмиш йил — тарихан қисқа давр ичида ўзбек маданияти мисли кўрилмаган даражада катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Қолоқ бир ўлканинг йирик маданият марказига айланишининг ўзи оламшумул воқеадир. Улуғ Октябрь инқилобининг биринчи кунлариданоқ театр труппалари тузилди. Бундай труппалардан биринчисини ўзбек совет адабиёти ва санъатининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ташкил қилди. Ўзи труппа учун асар ёзди, ўзи саҳналаштирди, ўзи роллар ижро этди. Ўзбек театрининг бу илк қалдирғочлари ҳақиқий фидойилар, инқилобнинг оташин тарғиботчилари эдилар. Бугунги кунда саҳна санъатимизнинг дастлабки кашшофлари — М. Уйғур, Е. Бобожонов, А. Ҳидоятов, С. Олимов, Ҳ. Носирова, М. Мироқилов, Н. Алиева, С. Эшонтўраева, Тамарахоним, М. Кузнецова, Л. Саримсоқова, Ш. Бурҳонов, Н. Раҳимов, З. Муҳаммаджонов, М. Мансуров, Г. Загурская ва бошқа ўнлаб санъаткорларнинг номларини фахр билан тилга оламиз. Улар ўзбек совет театрининг пойдеворига биринчи ғишт қўйганлардан. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, республикамизда илк театрларни ташкил этиш, ансамблларни тузиш ишлари осонликча бўлган эмас. Ҳатто, бу йўлда қурбонлар беришга тўғри келди. Айниқса, хотин-қизларимизнинг саҳнага томон йўллари жуда катта қийинчиликлар эвазига бунёд бўлди. Ўн гулидан бир гули очилмай ҳалок бўлган Нурхон, Турсуной ва бошқа актрисаларимиз жасорати, матонати авлодлар учун қаҳрамонлик мактаби вазифасини ўтади.

Давоми иккинчи бетда

## КОНКУРС ҒОЛИБЛАРИ

### ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН АДАБИЁТ ВА САНЪАТ СОҲАСИДАГИ ЭНГ ЯХШИ АСАРЛАР УЧУН ЎТКАЗИЛГАН РЕСПУБЛИКА КОНКУРСИНИНГ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган адабиёт ва санъат соҳасидаги энг яхши асарлар учун ўтказилган республика конкурси якунларини кўриб чиқдилар.

Мукофотлар қуйидагиларга берилди:

#### КАТТА ЖАНРДАГИ БАДИИЙ АДАБИЁТ БЎЙИЧА

Биринчи мукофот

К. Яшинга, ёзувчи — «Ҳамза» романи учун.

Иккинчи мукофот

М. И. Шевердинга (марҳум), ёзувчи — «Қизилқумда қуюн» романи учун.

Учинчи мукофот (иккита).

В. А. Александровга, ёзувчи — «Момақалдироқ» романи учун.

Ф. Мусажоновга, ёзувчи— «Турди, велосипед ва мен» ҳикоялар ва повестлар китоби учун.

#### КИЧИК ЖАНРДАГИ БАДИИЙ АДАБИЁТ БЎЙИЧА

Биринчи мукофот

Ш. Алядин, Черкез-Али, Р. Мурод, Ж. Аметов, З. Қуртнезиров, Ф. Кямилев, Э. Орипов, А. Осмонов, С. Нагаев, М. Маҳмудов, А. Қосимовга — «Дўстлик машъали» очерклари тўплами учун.

Иккинчи мукофот

Г. Жўраевага, шоира — «Бахт» шеърлар тўплами учун.

Учинчи мукофот

М. Қорабоевга, шоир — «Қалбдаги акс садо» шеърлар тўплами учун.

#### КАТТА ШАКЛДАГИ МУЗИКА САНЪАТИ БЎЙИЧА

Биринчи мукофот

У. Мусаевга, композитор —«Жонажон партияга раҳмат» одаси учун ва «Тўмарис» балетига ёзган музикаси учун.

Иккинчи мукофот

С. Юдаковга, композитор — Эркин Воҳидовнинг шеърлари (янги таҳрирда, 1984 йил)га ёзилган «Пахта» кантатаси учун.

Учинчи мукофот (иккита)

Т. Қурбоновга, композитор — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган ўзбек халқ асбоблари оркестрига ёзилган поэма учун.

Ф. Янов-Яновскийга, композитор — Абдулла Орипов шеърларига ёзилган «Шеърий сатрлар» кантатаси учун.

#### КИЧИК ШАКЛЛАРДАГИ МУЗИКАЛИ АСАРЛАР БЎЙИЧА

Биринчи мукофот

К. Кенжаевга. композитор — қўғирчоқ театрига аталган «Пахта юлдузчалари» спектаклига ёзилган музика учун.

Иккинчи мукофот

Д. Саидаминовага, композитор — Ватанга, партия ва меҳнатга бағишланган қўшиқлари учун.

Учинчи мукофот (иккита)

Е. Ширяевга, композитор — 1983 — 1984 йилларда яратилган ватанпарварлик қўшиқлари учун.

Э. Налбантовга, композитор — байрам рақс сюитаси учун.

#### ТАСВИРИЙ САНЪАТ БЎЙИЧА

Биринчи мукофот

А. Бухорбоевга, рассом — В. И. Ленин номли Тошкент метрополитенининг «Ҳамза» станцияси ва Тошкент радиотелевизион эшиттириш маркази монументал-бадиий безаклари учун.

Иккинчи мукофот

И. Ю. Липенега, рассом— В. И. Ленин номли Тошкент метрополитени ва Тошкент радиотелевизион эшиттириш маркази монументаль-бадиий безаклари учун.

Учинчи мукофот (иккита)

А. Балкановга, рассом — «Ер тўғрисидаги декрет», «Ильичга Меҳнат ордени» плакатлари учун.

А. Т. Мирзаевга, рассом — «Тошкент — тинчлик, дўстлик ва қардошлик шаҳри» манзарали триптихи учун.

#### СПЕКТАКЛЛАР, КОНЦЕРТ — ИЖРОЧИЛИК ФАОЛИЯТИ БЎЙИЧА

Биринчи мукофот

Д. Абдураҳмоновага, дирижер, Ф. Сафаровга, режиссёр — 1983 — 1984 йиллардаги концерт программалари учун.

Иккинчи мукофот

Хизмат кўрсатган «Ялла» вокал-чолғу ансамблига, — 1983 — 1984 йиллардаги концерт программалари учун

Учинчи мукофот (иккита)

О. Отажоновга, М. Қориёқубов номли Ўзбекистон Давлат филармониясининг «Лазги» вокал-хореографик ансамблининг солисти, К. Раҳимовга, А. Навоий номли Наманган область ўзбек драма ва комедия театрининг солисти — юксак ижрочилик маҳорати, халқ қўшиғи ва замонавий қўшиқ санъатини пропаганда қилганлиги учун.

И. Жалиловга, Қ. Муҳитдиновга — А. Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат Академик Катта театрининг солистлари — юксак ижрочилик маҳорати, жаҳон, рус классик ва замонавий совет музика санъати вокал асарларини пропаганда қилганлиги учун.

#### КИНО САНЪАТИ АСАРЛАРИ БЎЙИЧА

Биринчи мукофот.

А. Қобуловга, постановкачи режиссёр, Р. Тюринга, сценарий автори, Д. Абдуллаевга, оператор, К. Мирҳодиевга, Ш. Ҳошимовга, актёрлар — «Жонтойнинг қасами» бадиий фильми учун. К. Ёрматов номли «Ўзбекфильм» студияси.

Иккинчи мукофот

М. Қаюмовга, режиссёр, В. Снегиревга, сценарий автори, Т. Нодировга, Д. Салимовга, операторлар — «Республикани ким нишонга олмоқда» ҳужжатли фильми учун.

Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студияси.

Учинчи мукофот

Н. Тўлахўжаевга, сценарий режиссёри ва автори «Ёмғир томчилаб ёғади» мультипликацион фильми учун. К. Ёрматов номли «Ўзбекфильм» студияси.

#### АРХИТЕКТУРА ВА ШАҲАРСОЗЛИК БЎЙИЧА

Биринчи мукофот

В. Н. Бреусенко, Р. А. Хайрутдиновга, архитекторлар, Б. И. Одилхўжаев, А. Л. Агасафянга, Т. В. Шахсуварян, Г. Т. Костинага, инженерлар — Тошкент шаҳридаги кино уйи лойиҳаси учун.

Иккинчи мукофот

Н. П. Зинкина, Т. К. Матёқубовага, архитекторлар, М. Е. Горбатскийга, инженер — Тошкент шаҳрининг Фрунзе районидаги мактаб биноси лойиҳаси учун.

Учинчи мукофот

М. А. Ойнабеков, Н. В. Иванов, Ф. И. Левинштейн, А. В. Лошкарев, С. А. Роземблюмга, архитекторлар, Ю. Г. Иванников, Е. Н. Чичевага, инженер — «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамиятининг ўқув-машқ базаси лойиҳаси учун.

#### БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛИК КОЛЛЕКТИВЛАРИ БЎЙИЧА

Биринчи мукофот

«Андижон полькаси» ашула ва рақс халқ ансамблига — 1983 — 1984 йиллардаги концерт программаси учун. Бадиий раҳбар Абдуғаффор Қодиров.

Иккинчи мукофот

Фарғона областининг Марғилон шаҳридаги «Нурхон» халқ театрига Ўзбекистон драматургларининг замонавий мавзудаги асарларини саҳнага қўйганлиги учун. Режиссёр ва бадиий раҳбар Ҳотам Тешабоев.

Учинчи мукофот (иккита)

Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министрлиги ҳаваскорлик студиясининг ижодий коллективига — «Сибирь диёрида уч йил» ҳужжатли фильми учун.

Тошкент шаҳридаги Октябрь район Маданият уйининг «Баёт» халқ ансамблига — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишланган концерт программаси учун. Бадиий раҳбар Азим Азизов.

